Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
14 ИЮЛЬ, 1969 й.
ДУШАНБА
№ 163 (927)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ УЧУН

Инсон энг қимматли капитал ҳисобланган жонажон Ватанимизда унга нисбатан чексиз ғамхўрлик кўрсатилмоқда, ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун хизмат этмоқда. Медицина хизмати кўрсатиш йил сайин тобора яхшиланиб бораётгани, биргина пойтахтимизнинг ўзида ўнлаб янги шифохоналар, поликлиникалар учун янги-янги бинолар қад кўтараётгани, уларда ўринлар сонининг беқиёс кўпаяётгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугун жонажон шаҳримизда юздан ортиқ даволаш муассасаси, қарийб олти минг врач ва ўн мингдан ортиқ ўрта маълумотли медицина ходимлари ишлаб тургани ҳам шу ғамхўрликларнинг ёрқин ифодасидир. Кейинги йилларда айниқса зилзиладан сўнг ўтган қисқа муддат ичида янгидан солинган ўнлаб шифохона, поликлиника бинолари тўла қувват билан тошкентликларга хизмат этмоқда. Бунда, шубҳасиз, қурувчиларимизнинг ҳиссаси улкандир.

Шу кунларда ҳам Тошкентнинг қайси бурчагига назар ташламанг, у ерда даволаш муассасалари учун янгидан бунёд этилаётган биноларни кўриб қувонасиз. Иш жадал суръатлар билан олиб борилаётган қурилиш трестларида медицина муассасалари қурилиши бир меъёрда давом этмоқда. Улар белгиланган график асосида ишлаб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Бироқ, барча қурилиш трестлари ҳам медицина муассасалари қурилишига ана шундай катта эътибор билан қарамоқдалар, деб бўлмайди. Бу ишда ҳали жиддий нуқсонлар содир бўлмоқдаки, бунга тезда хотима бериш зарур.

Медицина муассасалари қурилиши планларининг кейинги пайтларда ой сайин бажарилмай қолаётганини нормал ҳол деб бўлмайди. Ўтган йили медицина муассасалари қурилиши плани бажарилмай қолди. Бу йилнинг ўтган олти ойи ҳам бу соҳада жиддий қолоқликка йўл қўйилаётганини кўрсатиб турибди.

4-қурилиш трести бу соҳада айниқса ортда қолмоқда. Високовольт массивидаги бирёўла 750 кишига хизмат қилувчи поликлиника қурилишида бу трест бинокорлари 1966 йил март ойидан буён ишлашмоқда. Ваҳоланки, белгиланган планга кўра поликлиника ўн уч ой мобайнида қуриб битказилиши керак эди. Поликлиникани фойдаланишга топширишнинг ҳар гал белгиланган муддатига риоя қилинмаганини нима деб баҳоласа бўлади?

Бошқа айрим қурилиш трестларида эса аҳвол бундан ҳам ачинарли. Чунончи, 5-қурилиш трести бинокорлари медицина муассасалари қурилиши планини шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида лоақал йигирма процентга ҳам етказиб бажарганлари йўқ. Трест томонидан 1966 йилдан буён қурилаётган туғруҳхона биноси йилдан-йилга чўзилмоқда. Бу йил ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Бу ерда қурилишмонтаж ишлари мутлақо талабга жавоб бермайди. Боғистон кўчасидаги онкология диспансери учун қурилаётган бино ҳам 1966 йилдан буён графикдан-графикка кўчириб келинмоқда. Бу объектда қурилиш плани бирон йил ҳам бажарилгани йўқ. Бунинг устига қурилишда брақка йўл қўйилган.

Бешқайрағочдаги поликлиникани эса 6-қурилиш трести бинокорлари жуда сусткашлик билан қўрмоқдалар. Шу йилнинг учинчи кварталида фойдаланишга топширилиши керак бўлган дорихона қурилиши ҳали бошланганича йўқ.

Бу фактларнинг барчаси қурилиш трестларида иш қатъий график асосида уюштирилмаётганидан далолат бериб турибди.

«Главташкентстрой» ғоят қисқа муддатда медицина объектларида қурилишнинг бориши ҳақидаги масалани кўриб чиқиши, уларни тезлатиш, қурилиш сифатини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб олмоғи лозим. Ҳар бир медицина объектини назорат остига олиш, қурувчиларнинг бу ишда масъулиятини ошириш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир.

Инсон саломатлиги учун ғамхўрлик ҳар биримизнинг диққат марказимизда бўлмоғи керак. Бугунги қурилаётган ҳар бир шифохона, ҳар бир поликлиника ва бошқа медицина муассасалари инсон умрига қўшилажак умрдир. Бинобарин медицина муассасалари қурилишини тез ва сифатли қуриш ҳар бир бинокорнинг бурчи, қалб амридир.

Медицина объектларини тез ва соз қурайлик!



В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг кундузги бўлимида абитуриентлар-дан ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

Сергели янгиликлари

Муҳим ҳужжат ўрганилмоқда

Яқинда райондаги резина-техника заводида Москвада бўлиб ўтган коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг якуни ҳақида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Кенгаш ҳужжатлари тўғрисида тарих фанлари кандидати С. И. Аҳмедов гапирди. Сўнгра лектор В. С. Бойко халқаро аҳвол ҳақида қизиқарли сухбат ўтказди. Шунингдек, районнинг «Октябрь 50 йиллиги» номли тикув фабрикасида, маданият уйида ва бошқа муассаса ҳамда ташкилотларда ҳам Москва Кенгаши ҳақида йиғилишлар бўлиб ўтди.

Ю

«Зуҳра» сафарда

Аброр Ҳидоятов номли Маданият уйида «Зуҳра» халқ ансамбли ташкил қилинди.

Ансамбль райондаги завод ва фабрикаларда турли программада қизиқарли концертлар бериб, шуҳрат қозонмоқда.

Яқинда ансамбль Янгийўл районига сафарга чиқиб, Жданов номли колхозда концерт берди. «Зуҳра» ансамбли пойтахтда ҳам концертлар бериш учун тайёргарлик кўряпти.



Тошкент трактор йигув заводининг илғор фрезеровкачиси Анатолий Кораблев В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ажойиб ишларни қўлга киритмоқда. Корхонада олти йилдан бери ишлаётган Анатолий смена топшириқларини 130—140 процент адо этмоқда.

СУРАТДА: А. Кораблев, И. Глауберзон ва В. Сиротнин фотоси.

МУДДАТИДАН БИР ЯРИМ ЙИЛ ОЛДИН

Тўқимачилик комбинатида доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейи шарафига социалистик мусобақа авж олдириб юборилган.

Мусобақа ҳозирда-ноқ самарали натижалар беряпти. Комбинатда беш йиллик планни муддатидан илгари бажариб, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқараётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Бунда айниқса ип фабрикасининг ишчилари юқори кўрсаткичларга эришяптилар. Жумладан, фабрика калава цехининг илғор калавачиларидан Е. Т. Шальманова зиммасидаги беш йиллик мажбуриятини шу йилда бажариб, ҳозиргача пландан ташқари 32,6 тонна калава ишлаб чиқарди. Унинг ҳамкасби У. Е. Имайкина эса 18 июндан бери 1971 йил ҳисобига 28,8 тонна калава топширди.

ВЬЕТНАМЛИК ТАЛАБАЛАР

Тошкент Давлат университетининг тайёрлов факультетига ўқиш учун вьетнамлик ўн уч йигит-қиз қабул қилинди. Улар бир йил мобайнида рус тилини ўрганишади. Келгуси йили эса республика олий ўқув юртларига кириш учун имтиҳонлар топширадилар.

МАКТАБ РЕМОНТИ ТУГАЛЛАНДИ

Октябрь районидаги 102-ўрта мактабда ўқув йили тугаши билан ремонт ишларига киришилган эди. Мактабнинг аҳил педагогик коллективи ва юқори синфларнинг ташаббускор ўқувчилари бу ишда фидокорлик кўрсатдилар. Улар ўз кучлари билан 16 та синф хонасини, 10 та фан кабинетини, шунингдек турли ўқув инвентарларини ремонтдан чиқардилар.

Бугун

Ўқитувчи ва ўқувчилар сўнгги ремонт ишларини тамомлаб, мактабни янги ўқув йилига таппа-тахт қилиб қўйишди.

Яхши ташаббус

— Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида адабий алоқалар бўлими очишга қарор қилинди. Мазкур бўлимнинг асосий мақсади,— дейди музей директорининг ўринбосари Э. Умаров,— ўзбек адабиётининг революциядан кейинги фаолияти, унинг қардош республикалар адабиётига кўрсатган таъсири, ўз навбатида қардош ўлкалар адабиётининг ўзбек адабиётига кўрсатган таъсири, умуман ўзаро адабий масалалар юзасидан юкодий иш олиб боришдир.

Шу муносабат билан музей қоллективи қардош республикалар адабиётига кўрсатган таъсири, ўзаро адабий масалалар юзасидан юкодий иш олиб боришдир.

Шу муносабат билан музей қоллективи қардош республикаларга мактуб йўллаб мурожаат қилган эди. Шу кеча-кундузда Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан музейга хатлар бадиий асарлар, фотоматериаллар келиб турибди.

КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР

Шаҳримизда бунёд этилган осмонўпар — 9 қаватли ва ундан ортиқ биноларда аҳолаларни ташиб чиқариш махсус қувурлар системаси орқали бажарилади. Лекин аҳолат қувурларининг ичидаги махсус қурилма клапанлар жуда камдир. Тошкентдаги «Сантехоборудование» заводида республика мартга қурилма клапанлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Кеча

ана шундай клапанларнинг дастлабки партияси пойтахтимизда 9 қаватли уй-жой биноларини бунёд этаётган Россия Федерациясининг қурувчиларига топширилди.

Илгари бундай клапанлар Москвадан келтирилар эди.

СТУДЕНТЛАР—ЭЛ ХИЗМАТИДА

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти қурилиш факультетининг III курс студентлари практика ўтказиш учун Ашхобод, Қизилравот ва Кушка шаҳарларига жўнаб кетдилар.

Тошкентлик студентлар Туркманистон қурилишларида қатнашадилар.

ОБ-ҲАВО БУГУН

ҲАВО УЗГАРИБ ТУРСАДА ЕҒИНГАРЧИЛИК БЎЛМАНДИ, КЕЧАСИ 20—22, ЭРТАГА КУНДУЗИ 34—36 ДАРАЖА ИССИҚ БЎЛАДИ.



«Союзпечать» нинг «Тошкент» механикона-си қошидаги № 38-киоска сотувчиси М. Нишонбоева ҳаридорларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Бу киоскада 100 дан ортиқ номдаги газета ва журналлар савдо қилинади.

СУРАТДА: ишчан киоскачи М. Нишонбоева. М. Нуриддинов фотоси.



Тошкентдаги В. И. Ленин номли якка буюртмалар тикиш фабрикаси коллективи шаҳар меҳнаткашларига намунали маиший хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) пешқадам бригада бошлиғи А. Петрова, маҳаллий комитет раиси С. Каримова ва мастер Х. Орипова ўртоқлар тайёр маҳсулот сифатини текшираётирлар.

ХАЙРЛАШУВ КЕЧАСИ

Тошкент халқ хўжалиги институти республикамиздаги катта илм масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерни битирган 14 мингдан ортиқ иқтисодчилар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқдалар.

Бу йил институтнинг кундузги бўлимини 500 дан ортиқ йигит-қиз тамомлаб, олий маълумотли иқтисодчи деган номга эга бўлди.

Шу муносабат билан куни-кеча институтда битирувчилар билан хайрлашув кечаси бўлиб ўтди.

Ёш мутахассисларни институт ректори, профессор М. М. Қориев табриклаб, уларга келажакда катта муваффақиятлар тилади, ҳамда институтни аъло баҳолар билан якунлаган студентларга тантанали суратда имтиёзли дипломлар топширди.

Кечада сўзга чиққан Қ. Эрматов, Р. Романова ва бошқалар ўзларига билим олиш учун барча имкониятларни яратиб берган партия ва ҳукуматимиздан беҳад миннатдор эканликларини тўлқинланиб гапирдилар.

Кеча охирида институтнинг «Орзу» эстрада ансамбли катта концерт кўрсатди.

ЛЕНИН ВА ТИНЧЛИК

ПРАГА. (ТАСС). Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан Чехословакия тинчлик комитети президиуми «Ленин ва тинчлик» деган мавзудаги адабий асарлар конкурсини ҳамда «Ленин ва халқлар дўстлиги» деган мавзуда тасвирий санъат асарлари конкурсини уюштиришга қарор қилди.

Чехословакия телеграф агентлиги хабар қилади: Президиумнинг шу қарор қабул қилинган мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, янги ижтимоий тузум, социализм ва барча меҳнаткашларнинг бахтли ва қувноқ келажагини таъминлаш иродаси Ленининг номи билан чамбарчас боғланган. В. И. Ленин марксизмни ижодий тарзда ривожлантириш рамзи бўлиб қолди.

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ ЯПОН ТИЛИДА

ТОКИО, (ТАСС). Япониядаги халқаро проблемаларни ўрганувчи жамият коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвадаги халқаро кенгашида 1969 йил 7 июнда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев сўзлаган нутқини китобча қилиб нашр этди. Китобча оммавий нусхада чиқарилди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

УЛАН-БАТОРДА В. И. ЛЕНИН КАБИНЕТИ

УЛАН-БАТОР, (ТАСС). Монголия пойтахтида меҳнаткашлар ва партия ҳамда жамоат ташкилотларининг кучи билан В. И. Ленин кабинети ташкил этилди.

МОНЦАМЭ агентлиги хабар беради: бу кабинетда В. И. Ленин асарларининг монгол тилида нашр этилган тўла тўплами. Владимир Ильич тўғрисидаги ҳикоялар ва эсдаликлар, кинофильмлар, Ленининг нутқлари ёзилган пластинкалар бор.

Бу ерда «Ленининг болалик йиллари», «Ленин революцион курашда», «Ленин совет ҳокимияти йилларида», «В. И. Ленининг Ватани», «Бузилмас дўстлик». «Ленин ва Монголия» фотостендлари бор ва ҳоказо.

Ленин кабинетида жаҳон пролетарлари йўлбошчисининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида лекция ва суҳбатлар ўтказилади, унинг асарлари ўрганилади, ҳужжатли фильмлар кўрсатилади. Шунингдек В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги билан боғлиқ бўлган тадбирлар амалга оширилади.

Ю

БЕШ КУНЛИК ВА ДАМ ОЛИШ

Маданий ҳордиқ

Яхши ҳордиқ — баракали меҳнат гаровидир. Қайси корхонада ишчиларнинг яхши дам олиши ва саломатлиги тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилинса, ўша ерда меҳнат ҳам унумли бўлади. Заводимиз маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотлари бу борада ибратли ишлар қилаяптилар.

Шанба куни 5-цех ишчилари бола-чақалари билан «Тошкент денгизи»га отланишди. Улар бу ерда роса маза қилиб, мириқиб, ҳордиқ чиқаришди. Кейин кечки салқинда автобусларга ўтиришиб шаҳарга қайтишди.

Биз машинасозлар ҳафтанинг шанба, якшанба кунларини жуда кўнгилли ўтказмоқдамиз. Айниқса, завод маъмуриятининг ташаббуси билан Самарқанд, Бухоро каби қадимий шаҳарларга уюштирилган сафарлар ҳаммамизда зўр таассурот қолдирди.

Завод маъмуриятининг маданий дам олишимиз соҳасида кўрсатаётган ғамхўрликларидан чексиз миннатдормиз.

А. МУЗАФФАРОВ,
«Ўзбексельмаш» заводи 9-цехи ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

«Обираҳмат»да икки кун

«Компрессор» заводининг ишчи ва хизматчилари ҳар дам олиш кунини шаҳар атрофидаги ҳушманзара жойларда ўтказишади. Куни-кеча завод ишчи ва хизматчиларидан йигирмадан ортиқ киши «Обираҳмат» дам олиш уйига бориб, яхши ҳордиқ чиқариб қайтишди.

Касаба союз ташкилоти томонидан ташкил қилинган бу саёҳатга заводнинг энг илғор ишчиси К. Муҳиддинов раҳбарлик қилди.

МИРИҚИБ ДАМ ОЛИШДИ

Республика махсус инглиз тилини ўқитиш интернат-мактаби қошидаги пионерлар лагерида болалар мароқли дам олишяпти.

Лагерда пионерларнинг қувноқ дам олиши учун барча нарсалар муҳайё қилинган. Ҳар куни болаларга газета ва журналлар келтирилади. Бундан ташқари катта бассейн, душ, волейбол, футбол майдонлари ҳам улар ихтиёрига бериб қўйилган. Шахмат-шашка мусобақалари ўтказилди. Яқинда лагерга бўлажак инглиз тили мутахассисларидан 120 бола қабул қилинди. Улар иккинчи сменада 26 кун мобайнида мириқиб дам олишади.



БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. СОФИЯ. Инженерлар институти.

ДИЛИМДАГИ ГАПЛАР

УЗБЕКХЛОПКОМ А Ш заводининг маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотлари мастерлар ва катта мастерларнинг мавқеини ҳар томонлама мустаҳкамлашга, уларнинг ўзлари раҳбарлик қилаётган участкаларнинг иш кўрсаткичларидан манфаатдорликларини оширишга, ишлаб чиқаришдаги ролини ва коллектив тарбиячиси сифатида масъулиятини оширишга алоҳида эътибор беряпти.

Участка мастери ва катта мастерларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида муваққат Низом ишлаб чиқилиб, уни шу йил апрель ойидан бошлаб кучга киритди.

Бу муҳим масала ҳақида кўпдан буён мен ҳам ўйлаб юрган эдим.

Заводга келганимга ҳам 33 йилдан ошибди. И. М. Машченко бошчилик қилаётган 15-механика-йигув цехида 25 йилдан буён участка мастери бўлиб ишлайман. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувват, кишлок хўжалигига етказиб бераётган техникаси кўз ўнгимда ортди ва такомиллашди. Ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ортиб боряпти.

—Хўш, мастерлар-чи?

Мен 115 сўм маош ва 10 сўм устама мукофот оламан. Беш фарзандни тарбияляпман. Катта қизим Турсуной 5 йил заводда ишлаб, турмушга чиқди. Ўғлим Шавкат уч ярим йил ёшимда упаковкачи бўлиб ишлаб, яқинда Совет Армияси сафига хизматга кетди. Ўткир 8-синфни тамомлади. Бери отпускасида упаковкачи бўлиб ишламоқда. Ботир 6-синфга ўтди. Қодиржон бу йил мактабга боради. Фарзандларимга меҳнат кўникмаси бераётганимнинг ва буқинг фойдаси ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

1966 йилда партия-ҳукуматимиз мен каби бир олдий ишчининг меҳнатини тақдирлаб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонни берди. Бундан менинг бошим осмонга етди. Шунда дўппини олиб қўйиб ишларимни сарҳисоб қилдим. Ҳисобларимга кўра, турли миллатнинг 220 фарзандига касб ўргатибман. 1967-68 йилларда 13 ёш ишчига касб ўргатдим. Ҳозир 19-ҳунар-техника билим юртидан келган икки ёш мустақил ишга ўтиш арафасида. Ёшларга касб ўргатиш участка мастерининг кўп сонли вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шуни ҳам айтиб ўтайки, участкамизда смена мастери, мастер ёрдамчиси вазифаларини ҳам муттасил ўзим бажариб келмоқдаман.

Завод меҳнатчиларига 13-маош тақсимланганда 97 сўм олдим. Илгари мастер фонди бўларди. Бу фонддан участканинг илғор ишчиларини тақдирлардим. 1969 йилдан бошлаб мастер фонди берилмаяпти. Участкамиз 1 квартал ишлаб чиқариш планини 112,8 процент қилиб бажарган бўлса-да, мукофот ажратилмади. Бунга цехимизнинг ойлик ва квартал планлари бажарилмаганлигини, бажарган тақдирда ҳам ортиқча сарф-харажатлар бўлганлигини важ қилмоқдалар.

Цех биринчи квартал планини бажармагани, ортиқча сарф-харажатга йўл қўйгани учун мукофот ололмади. Иккинчи квартал плани ҳам бажарилмай қолди. Цех яна мукофот ололмай қолди.

Ишлаб чиқариш участкалари-чи?

Цехимиздаги участкаларни 30 мастер бошқаряпти. Айтайлик, шулардан ярим ойлик ва квартал планини барча кўрсаткичлар бўйича оширib бажарди, ярми бажаролмади. Умумцех ёки заводимиз плани бажарилмай қолди. Шунда планни бажарган участкалар плани бажармаган участкалар қатори мукофотдан маҳрум бўлиб қолади. Буниг қайси участка мастери ёки катта мастерга қизиғи бор?

Бу ҳолни кўрган жонкуяр мастерлар **бегам мастерлар қаторига ўтиб оладилар. Мастер бўйича 115 сўм маош** олган ҳолда унинг кўл остида **ишловчи касб эгалари ой сайин мастерга нисбатан бир ярим баравар кўп даромад қиладилар. Шундан кейин мастернинг бирон-бир идорадан иш топишлари, жуда бўлмаганда станокда ишлашдан бошқа чораси қолмайди.**

Шундай бўляпти ҳам.

Масалан, цехимизнинг 14-пролетида мастерлик қилаётган Ким 11-цехга ўтиб слесарлик қиляпти. Ёки 5-6 пролетда мастерлик қилган Юрий Степаненкони олиб кўрайлик. Степаненко участкани ташлаб, 7-пролетда автоматчи токарь бўлиб ишламоқда. Бундай мисолларни цехимиздан ташқари завод миқёсида ҳам келтириш мумкин.

Мастер билан ишчи бир хил вақт ва меҳнат сарфлайди-ю, моддий манфаатдорлиги бир хил эмас.

Тўхтасин Альбеков заводда ўн йилдан. участкамизда уч йилдан буён слесарлик қилади. Индикатор билан деталларнинг қийшиқлигини тўғрилайди. Унинг ишини 80 сўм оладиган махсус контролер кузатиб боради. Альбеков фақат аъло сифатда маҳсулот тайёрлашга сўз берди ва уч йилдан буён шунга амал қилиб келяпти. Унинг бу ташаббуси туфайли уч йилдан буён ҳар ойда давлат 80 сўмдан фойда кўрмоқда.

Т. Альбеков аъло сифатли маҳсулот тайёрлаш билан бирга смена нормасини бир ярим баравардан бажаришга улгуриб. 200 сўмга етказиб ойлик олмоқда.

Ҳаво босими билан ишлайдиган станокни бошқарувчи Назира Минибаева сменада 860 ўринга 1550 тага етказиб деталларни прессламоқда ва шунга яраша ҳақ олмоқда.

«Ўзбекхлопкоматш» заводида жорий этилган муваққат Низом ҳали тўла системада бўлмасада, ишлаб чиқарувчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари билан таноширилаша борса, жуда ўринлидир.

Низомда заводнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган, асосий фигура ҳисобланган участка мастери ва катта мастернинг мавқеи, вазифалари, меҳнати, моддий манфаатдорлигига катта эътибор берилган.

Натижада барча кўрсаткичларни муваффақиятли бажарганлари ҳолда мастерлар 175—180 сўм, катта мастерлар 200—210 сўмга етказиб ойлик иш ҳақи олмоқдалар.

Бизнинг кўп минг кишилик коллективимизда бу ҳақда ҳеч ким бош қотирмаётгани ачинарлидир.

Маъмурият, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари участка мастерлари ва катта мастерларнинг мавқеини, ташкилотчи ва тарбиячилик ролини, моддий манфаатдорлигини ошириш ҳақида қайгурсалар яхши бўларди.

Мастерлар мавқеини тиклаш, уларнинг масъулиятини ошириш, ишлаб чиқаришда юксак техника-иқтисодий кўрсаткичларга эришаётган тажрибали илғор участка мастерлари ёки катта мастерлар иш методини завод ва корхоналараро ўрганишга эътиборни кучайтириш керак. «Мастерлар куни»ни ўзбошимча яна йўлга қўйиш керак.

Ана шунда ишлаб чиқариш топшириқларини бажармаган биронта ҳам участка қолмайди. Бу цехлар ҳам умумзавод фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

М. ЮСУПОВ.
«Ташсельмаш» заводининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Коммунистлар ҳақида ҳикоялар

ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

Кўкчада Маҳкам Қосимовни танимаган, билмаган одам йўқ.

Онладами, маҳалладами ҳал қилиниши мушкул бўлган бирор иш пайдо бўлса:

—Қосимовга учраш, шу кишн ҳал қилиб беради, —дейишади.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқади.

Маҳкам Қосимовга ҳар бир шодиёна кун арафасида катта-катта ташкилотлардан табрикномалар келиб туради. Мана, шулардан бири: «Ҳурматли ўртоқ Маҳкам Қосимов. Ўзбекистон ССР жамоат тартибини сақлаш министрлиги маъмурияти ва партия комитети Сизни совет милицияси куни муносабати билан қутлайди. Байрам муносабати билан биз Сиз милиция органи ветерани га шуни миннатдорчилик билан билдирамизки, милициянинг жиноий ишларга қарши курашда, жамоат тартибини сақлашда қўлга киритган ютуқларида Сизнинг ҳам ҳиссангиз бор».

Маҳкам ака бу табрик хатини ўтган йилнинг 10 ноябрида олган эди. Бунгача қанча йиллар ва йўллар орқада қолди.

1918 йилнинг қаҳратон киши. Мамлакатимизда вазият инқирозга олиб. Ички ва ташқи душманлар ёш совет ҳокимиятини йўқ қилиш учун ҳаракат қилмоқда. Ана шу пайтда Маҳкам Қосимов Эскижувадаги босмахона биносига жойлашган кўнгилли халқ дружиначилар штабининг аъзоси эди. Ҳар куни эрталабдан то ярим кечагача халқ орасида бўлар, Советлар ҳокимияти, унинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида сўзлаб берарди, тартиб бузарларга қарши курашарди.

Бир куни Маҳкам Қосимов штабда бир неча дружиначилар билан ўтирган эди, штаб бошлиғи Саидмақсудхўжа ака келиб қолди. У йигитларга бир-бир қараб қўйда-да, сўз бошлади:

—Ҳаммангизга маълум, мамлакатда вазият оғир, ёвлар ёш Совет ҳокимиятини йўқ қилмоқчи. Аммо биз пролетарлар қон ва жон билан барпо этган ўз давлатимизни сақлаб қолмоғимиз шарт. Буниг учун аскар керак. Ҳозир Қизил Армияга кўнгиллилар олинмоқда. Қани, сизнинг орангизда биринчи бўлиб ким ёзиладн?

—Мен...

Бу Маҳкам Қосимов эди.

Шундай қилиб, М. Қосимов ёш Қизил Армия сафига кўшилди. У рус тилини яхши билмас эди. Шунинг учун ҳам ҳарбий машқ пайтларида анча қийналди. Аммо рус дўстларн, айниқса, рота командири Панкратов тил ўрганишда унга ёқиндан ёрдам берди. Орадан бир йил ўтгач, оддий аскер. М. Қосимов Ленин партияси сафига кирди, Ватан мудофааси йўлида ҳар қачонгидан ҳам яхши хизмат қила бошлади.

...Ўзбекистонда ер ислоҳоти давом этаётган пайт. Бу вақтда коммунист М. Қосимов милиция органининг энг илғор кишиларидан бири эди. У ўз отлиқ отряди билан Тошкент шаҳри атрофидаги қишлоқларда бўлар, ер ислоҳоти ўтказишда қатнашаётган кишилар хавфсизлигини кўрикдар эди.

—Ғиштқўприкда Сандбой чўлоқ деган бўларди,— деб хотирлайди Қосим ака,— кунларнинг бирида унинг ерлари тортиб олиниб қўлида ишлаб юрган камбағалларга берилди.

Эрта баҳор. Ер олган камбағаллар далага қўш олиб чиқишди. Буни кўриб турган Сандбой чидай олмади. Деҳқонлардан бирини кетмон билан чопиб ўлдирди. Жиноятчини тутиб, тегишли органга топширдик. Кўп ўтмай, Ғиштқўприкдаги чойхонада бошлангач суд ўн кун давом этди. Сандбой қилмишига яраша жазо олди.

Йиллар ўтаверди, Коммунист М. Қосимов партия ва ҳукуматимиз қайси ишга йўлласа, шу ерда аъло хизмат қилди.

...Ниҳоят у Тожикистоннинг тоғлик Кўктош кишлоғида. У шу оралиқ милиция бўлимига бошчилик қилди. Бу вақтда босмачи Иброҳимбек товлов этилган бўлса-да, унинг қочиб улгурган шайкалари эпки тез-тез талаб турардн. Милиция уларни раф этиш, эл осойишталигини сақлаш керак.

...Эллик йилдан буён КПСС аъзоси, шахсий пенсионер Маҳкам Қосимов ҳаётида бундай жанговар воқеалар оз бўлган эмас.

Мана у Кўкчадаги сўлим боққа жойлашган чойхонада дўстларн, тенгдошларн билан ўтирибди. Маҳалланинг ободончилиги ҳақида маслаҳатлашмоқда.

Ҳа, Маҳкам Қосимов доим эл гамини ейди. Унинг шунчалик иззат-ҳурматга сазовор бўлишига ана шу ажойиб ҳислати сабаб бўлган.

У. ЮСУПОВ.



Бепоён мамлакатимизнинг денгиз ва дарёларида, улкан океанларда совет кишиларининг модний фаровонлигини яхшилашда на совуқ, на бўрондан ҳўриқмай куну-тун минглаб нишлар меҳнат вахтасида туришади. Улар кит овлаш плотиналарини, озиқ-овқат магазинларини балиқ маҳсулотлари билан таъминлашиб, совет кишилари таомининг турли-туман бўлишига катта ҳисса қўшишади.

СУРАТДА: балиқчилик хўжалигининг энг яхши аъзоларидан бири А. Айдарбеков. У ишлаётган бригада давлатга 980 центнердан кўпроқ балиқ урчитиш ва топширнш мажбуриятини олган.

И. Глауберзон ва В. Сиротнин фотоси.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

„ТАШНА АРИҚЛАР“

Шу сарлавҳа остида газетамизнинг 13 июнь сонида босилган материалда «Янги ҳаёт» маҳалласидаги кўпгина ариқлар бузилганн, сувсиз қақраб ётгани танқид қилинган эди.

Октябрь район коммунал хўжалиқ бўлимидан олинган жавобда кўрсатилишича, газета материали коллектив ўртасида муҳокама қилинди. «Янги ҳаёт» маҳалласидаги Уста Олим кўчасига сув чиқариш масаласи ҳал этилди.

КОММУНИСТ И К ва ишчи партияларнинг Москвада 1969 йил 5 июндан 17 июнгача бўлиб ўтган халқаро Кенгашида қабул қилинган ҳужжатларда жаҳон коммунистик ҳаракатининг улкан тажрибаси умумлаштирилди, ҳозирги замон тараққиёти чуқур таҳлил қилиб берилди.

«Ўзбекистон» нашриёти кенгаш ҳужжатларини ва уларни кенг пропаганда қилувчи китобларни кўп нусҳада нашр қилишга киришди. КПСС делегацияси бошлиғи, КПСС Марказий Комитетн Бош секретари Л. И. Брежневнинг «Коммунистлар жипслигини мустаҳкамлаш учун, империализмга қарши курашни тағин ҳам юксалтириш учун» деган нутқи 70 минг нусҳада босилиб чиқди.

Кенгашда қабул қилинган асосий ҳужжат «Ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш вазифалари ҳамда Коммунистик ва ишчи партияларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлиги» деб номланган. Нашриёт асосий ҳужжатни ҳам алоҳида китоб қилиб, 50 минг нусҳада босиб чиқарди. Бу ҳужжатда империализмга қарши бутун курашни янги, янада юксак даражага кўтариш йўллари, бутун дунёдаги кенг халқ оммасининг ҳаракат бирлиги таъкидланади, унинг умумий халқаро аҳамияти уқдириб ўтилади. Шунинг учун ҳам бу ҳужжат принципиал аҳамиятга эгадир.

КОММУНИСТИК ҲАРАКАТНИНГ УЛКАН ТАЖРИБАЛАРИ

Кенгашда қабул қилинган бошқа ҳужжатлар ҳам жаҳондаги барча коммунистларни ва кенг меҳнаткашлар оммасини ягона антиимпериалистик фронт яратишга сафарбар қилади. «Вьетнамга мустақиллик, озодлик ва тинчлик!» даъвати коммунистларнинг жанговар пролетар бирдамлигини, улар Вьетнам халқини бугунги кунда ҳам биргаликда ҳаракат қилиб қўллаб-қувватлашга қарор берганликларини бутун дунёга кўрсатади.

«Тинчликни ҳимоя қилиш тўғрисида хитобнома» коммунистик ҳаракатнинг жанговар антиимперналистик традициясини давом эттиради, ҳозирги замоннинг энг муҳим масалаларидан бири — жаҳон термоядро урушининг олдини олиш хусусида халқаро коммунистик ҳаракатнинг умумий позициясини кўрсатиб беради.

Коммунистик ва ишчи партиялар Кенгаши Жанубий Вьетнам Республикаси мўътакат революцион ҳукумати тузилишини қизғин табриклаб телеграмма юборди. Исроилнинг давом этаётган агрессиясини кескин равишда қораловчи, ҳарбий-фашист диктатурасига қарши курашаётган грек коммунистлари ва демократлари билан қардошларча бирдам эканликларини изҳор этувчи, барча мамлакатлардаги меҳнаткашлар оммасини, демократик ва прогрессив кучларни Гаити коммунистлари ҳамда бошқа ватанпарварларининг террор қилиниши, ўлдирилиши ва таъқиб этилишини тўхтатишни қатъий талаб қилишга чақирувчи баёнлар қабул қилди.

Ниҳоят, Кенгашда қабул қилинган Индонезия коммунистларига мурожаатда жаҳон коммунистик ва ишчи партиялари қонли террорга қарамасдан курашни давом эттираётган ватанпарварлар билан бирдам эканликлари изҳор этилади.

Асосий ҳужжат ва Кенгашда қабул қилинган бошқа ҳамма ҳужжатлар нашриёт томонидан кўп минг нусҳада тўплам қилиб чиқарилди.

Бутун совет халқи сингари барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун дунё тараққийпарвар жамоатчилиги коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгаши якунларига юксак баҳо бермоқдалар ва унинг материалларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Нашриёт томонидан чиқарилган Кенгаш ҳужжатлари ўзбек китобхонлари учун яхши назарий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

М. РАҲИМОВ,
«Ўзбекистон» нашриётининг катта редактори.



Ўтга чидамли металлар комбинатининг коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақага қўшилиб, ярим йиллик планни муддатидан олдин бажарди.

СУРАТДА: 15-цехнинг фильер бўлими контролёри коммунистик меҳнат зарбдори А. Томас босимни назорат қилмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сиротнин фотоси.

Адлия билимлари мактаби

Бундан уч йил муқаддам шаҳар ижроия комитети ҳузурида жамоатчилик асосида икки йиллик адлия билимлари мактаби ташкил қилинган эди. Мактабда совет ва ҳўжалик органларининг ходимлари амалда бўлган қонунлар билан таниша бошладилар. Машғулотлар СССР олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ўқув плани ва программаси асосида ҳафтасига тўрт соат ўтказилди.

Лекция ўқиш, семинар машғулотларни ўтказиш, зачёт ва имтиҳонларни қабул қилиш учун В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети, ЎзССР Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти, ЎзССР ички ишлар министрлигининг олий мактаби профессор ва ўқитувчилари таклиф қилинди.

Шаҳар ижроия комитети жамоатчилик асосида ишлаётган икки йиллик адлия мактаби фаолиятини маъқуллади ва 1969—1971 ўқув йиллари учун 50 кишидан иборат янги тингловчилар қабул қилишга қарор қилди.

Ҳуқуқшунослик билимларини ташвиқот ва тарғибот қилишдаги актив фаолияти учун В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети юридик факультетининг бир группа ўқитувчилари фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

А. ТУРАЕВ,
Жамоатчилик асосида ташкил қилинган икки йиллик адлия мактаби директори.

Коммунистлар авангард

ЯНГИЧА УСЛУБ

Миллий музика асбоблари фабрикасининг ишчан коллективи ой сайин катта меҳнат зафарларини қўлга киритиб келаётир. Кўп узоққа бормай, шу йилги натижаларга мурожаат қилайлик. Фабрика меҳнатсеварлари беш йилликнинг тўртинчи йилида қарийб 600 минг сўмлик ўзбек миллий музика асбоблари тайёрлаб бериш юзасидан юксак мажбурият олишган. Дастлабки кўрсаткичлар қувонарли.

Музика асбоблари тайёрлаш олти ойлик плани 112,9 процент бажарилди. Тайёр маҳсулотни реализация қилиш юзасидан берилган топшириқ эса қарийб 108 процент қилиб ўринланди.

—Биз коммунистлар, — дейди актив коммунистлардан Шавкат Эрмуҳамедов, — ишлаб чиқаришда фаол иштирок этмоқдамиз. Масалан, Қодир Ғозиев, Иван Колесников, Борис Розиваев каби коммунистлар кунлик нормаларини 110—130 процентдан бажариш билан бирга, ташкилий ишларда ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Улар ҳар якшанбада ишчиларнинг коллектив дам олишини уюштиришда ҳам бош-қош бўлишаётир. Фабрикамиз ишчилари шаҳар атрофидаги сўлим жойларда мириқиб дам олиб келишмоқда.

Фабрика коммунистлари сифатли маҳсулот тайёрлаш, меҳнат интизомини намунали йўлга қўйиш борасида ҳам намунали ишлар қилишмоқда. Масалан, аввалпари тайёрланган буюмлар назоратчилар орқали ўтказилар эди. Эндиликда бундай қилишмаётир. Аксинча, тайёр буюм тўғридан-тўғри топширилаверади. Аммо сифат зарра камайгани йўқ.

Яқинда корхонада ўқувчилар учун доиралар, дуторнинг бирмунча такомиллашган турини тайёрлашга киришилди. Бу янги музика асбоблари намуналарини тайёрлаш ва ўзлаштиришда ҳам корхона коммунистлари активлик кўрсатмоқдалар.

Т. ЭРГАШЕВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ГИБРАЛТАР УЧУН ЎЛИШМИ?

«Гибралтар учун ўлиш — Испания учун ўлиш демакдир!» деди яқинда Гибралтар билан Испания территорияси ўртасидаги бетараф зонага кирган танк қўшинлари қўмондони, испан генерали Мануэль Чаморро. Шу кунлари Лондондаги «Санди телеграф» газетаси Америкада ишлаб чиқарилган «М-47» испан танклари 15 минут мобайнида инглиз говларини бузиб ўтишлари мумкин деб ёзди.

Мана шу шов-шувли хабардан кейин журналистлар тарихий китобларни титкилиб қолишди. Улар қадимда испан полклари Гибралтар қоя ларини 14 марта штурм қилганликларини аниқлашди. Энг узоққа чўзилган қамал қилиш XVIII асрнинг охирида бўлган эди—у қарийб уч йил давом этди.

«Британия тожининг ҳимоячилари энди кимда Гибралтарни ҳимоя қилишга муваффақ бўлаолармиканлар?» деб савол беришди испан генералларининг дадагасидан таъсирланган айрим инглиз газеталари. Бироқ Франконинг гумаштлари Гибралтар учун қон тўкишни ўйлашмаётганди. Эҳтиёткор кaудильонинг маслаҳати бўйича улар бошқача тактикани танлашди: инглиз мустамлакасини «қон тўкмасдан» йўқ қилишга қарор қилишди.

Навбатдаги кризис Лондон шу йилнинг апрель ойида Гибралтар ҳақидаги, уни ўзига абадий қаратиб олишдан иборат бўлган янги конституциясини тасдиқлагандан кейин бошланди. Бунга жавобан Мадридда 9 майда испан ҳукумати Британия мустамлакаси билан унинг яқинидаги испан шаҳри Ла—Линея ўртасидаги чегарани бекитишни эълон қилди. Бу инглизлар учун қаттиқ зарба бўлди, улар Гибралтарда Испания территориясидан келиб ишлайдиган беш минг испан ишчисидан фойдаланишарди. Гибралтардаистиқомат қилувчи Британия армия қисмларини дўконлари бўйлаб нон ташишни ҳам, юк автомашиналарини бошқаришни ҳам испан ишчилари ўрнига ўзлари бажарадиган бўлдилар. Лекин Гибралтарнинг асосий кўпчиги адмирал Берг Лондонга «Ҳамма нарса жойида!» деб рапорт берди.

Шунда Испания ҳукумати Англия мустамлакаси билан денгиз ўртасидаги алоқа йўлини ҳам бекитиб қўйди. Мадрид томонидан қизиққонлик ва бақироқлик оҳангида. Лондон томонидан эса совуққонлик билан баланд парвоз оҳангда ёзилган нотолар эса ҳали ҳам юборилиб турилибди.

Хўш, бу машмашанинг асл сабаблари нимала?

Испаниянинг инглизлар томонидан XVIII асрда босиб олинган испан территориясини қайтариб олишга юридик жиҳатдан ҳақлари бор. Бу ҳуқуқ Англияга шу йил 1 октябргача Гибралтарни Испанияга қайтариб беришни таклиф қилган. Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан ҳам тан олинган. Бироқ Лондон бу қарорга қўшилмади, чунки унинг тортишиш учун «асоси» бор.


1967 йил сентябрда Гибралтар аҳолисининг ҳохиши ўрганилди. 12138 гибралтарлик «ватанпарвар», гўё миллий манфаатларни ҳимоя қилаётган киши қилиб кўрсатмоқчи бўлаётганлигини тушунаяптилар. Бу унинг учун мамлакатдаги жуда омонат позициясини ўнлаб Гибралтар аҳолисининг истагини рўкач қилиб, Мадрид билан ҳар қанақа музокара олиб боришдан қатъиян боштортди.

Испания ҳукуматига келганда, унинг ҳозирги маневрлари фақат кулгини келтиради. Ҳатто қоялар устида мамлакат байроғини ҳилпиратишни истаётган испанияликлар ҳам Франко бу воқеадан фойдаланиб халқ олдида ўзини «ватанпарвар», гўё миллий манфаатларни ҳимоя қилаётган киши қилиб кўрсатмоқчи бўлаётганлигини тушунаяптилар. Бу унинг учун мамлакатдаги жуда омонат позициясини ўнлаб олиш учун керак бўляпти.

Лекин каудильонинг бу савдогарликлари ҳеч кимни ишонтиролмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бу ишда Лондон ҳам, Мадрид ҳам жуда беандишалик қиляпти. Англиялик ҳукмдорлар ўз мустамлакаларидан воз кечишни истамаяптилар. Франко ҳукумати вакиллари эса умуман «Гибралтар учун ўлишга» тайёрланишаяпти — Бу машмаша улар учун миллатга ва халққа қарши сиёсатларини ниқоблаш учун зарур бўляпти.

Хуан КОБО,
«АПН».



КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ.

СУРАТДА: Пхеньяндаги темир йўл вокзали.



Донолар бисотидан

Ҳаётнинг ҳушнуд ўтишини истасанг, меҳнат қил!

* * *

Бугунги машаққатинг эртанги кунингнинг осудалиги ва бугунги кунингнинг эртанги машаққатидир.

* * *

Беҳунар одамлар билан дўст тутинма. Чунки, бу тоифа на дўстликни ва на душманликни билишади.

Кайковус.

Билим, бамисоли тоғда яшириниб ётган чашмадир.

Рогиби Самарқандий

Илм аччиқ турмушга барҳам беради ва нажотга нур бағишлайди.

Камолиддин Бинойи

Заиф одамларга заиф экан деб ҳамла этма. Чумолилар иттифоқ бўлса, шерни енгади, пашшалар филни ҳолдан тойдиради.

* * *

Бировга озор етказмайдиган киши ҳечкимдан қўрқмай, осойишта кун кечиради. Мушук бёо зорлигидан инсон хонадонидан макон топди, бўри эса бадфеъллигидан дашт-биёбон кезади.

* * *

Ит — дилозордан авлодир!

Муслиҳиддин Саъдий.

ДЕНГИЗИДАН АЙРИЛГАЧ...

Ҳамма тўхтаб қолди таққа,
Ҳайрат ичра қотиб тек.
Етар бунда бир тошбақа
Тўнтарилган қозондек...
Ёшу қари бир зум ундан
Нигоҳини ўзмайди.
Воқифмасми жондор бундан,
Пинагин ҳам бузмайди!
Бир нуқтага боқиб кўзи
Илтирар тош қотгандай,
Ўз-ўзига сабру тўзим,
Бардош тилаётгандай...
Денгиз эди унга маскан,
Тубн эди ноёб жой.
Бугун — акварИум ватан..
Шундан хафа хойнаҳой!
Тош ойнанн чертар кимдир,
Кимдир хуштак чалади.

— Косасини ...
Ғадур-будур!
— Бунча хунук!
— Ғалати..
Хуштак,
ҳайрат.,
илтижолар
Наҳот унга ёқмаса!
Нозик кўнгли неки ҳоҳлар..
Нега бир бор боқмас-а!
Сукут сақлаб ётар бегам,
Ҳайвон-ҳайвон экан-да.
Сўнг....
Терс бокди:
«Бор, сенларнинг
Афтинг кўрсин»— дегандай...

Охунжон ҲАКИМОВ.

Янги шеърлар

ДЎСТЛАРИМ

Сиз билан бирга ман ҳар ерда, ҳар дам
Тўй ва базмларда,
оғир кунда ҳам,
Мен сизсиз—бир отман, қайга боришин
Билолмай дайдиган: бекп, беюган.
Эзгу истагим бор. Дўстлик оташин,
Бир умр сўндирмай сақласам деган.
Мен сизсиз — бир уйман бенур.
бечироқ,
Тугайман сизлардан айрилган чоғда,
Мен мангу бирга ман сиз билан,
бироқ —
Сизлар ташлаб кетиб қолдирманг догда.

ЮКСАЛИШ

Мен тоққа чиқаман,
Юксакка чиқаман,
Йўлларимда майса,
Йўлларимда гул,
Қорли чўққини забт этмакка чиқаман,
На фақат йўлда, ўнг-сўлларимда гул.
Минг бир хил мавжудот, чечаклар
ямлашиб
Соз жилва қилади бир тош нардан.
Гоҳ тошга тирмашиб,
Гоҳ қирга ёндошиб,
Гоҳ тутиб юз йўлдик арча бардан —
Кўтариламан.
То баланд чўққини этгунимча забт —
Чекмогим керакдир қанча машаққат.
Поймада булоқлар,
Тепламда чақмоқлар,
Қаршимда қанча қир, довону
сўқмоқлар...
Дафиналар бағрин очмоққа чиқаман,
Мен тоққа чиқаман!

ЧИРОҚ...

Кўплар орзу қилар «юлдуз бўлсам» деб,
Менга қолса агар чироқ бўлардим.
Зулмат. зимзиёлик бағрин чок этиб
Ошиқларга сирдош, иноқ бўлардим.
Ҳижрон кечасидан йироқ бўлардим.

ДЕЙСАН...

Дейсан: «— Кўкка юксал, ёр бўлсин
тоже,
Кн, кўнглинг юксакка орзуманд бўлгач!»
Мен кўкда не қилай, ширин хаёлинг
Ҳамма нарсадан ҳам зўр, баланд бўлгач!!
Кўзинг юлдуз,
юзинг ой монанд бўлгач!!

ЙИЛЛАР ЎТАР...

Йиллар ўтар экан, тоғлар қуларкан,
Аммо ҳаёт эса боқий қоларкан.
Ҳижрон унутилиб, соғча индирган —
Уч-тўртта кумушранг оқи қоларкан.

Хайриддин САЛОҲ.

Кино

СЕРАФИМ ФРОЛОВ СЕВГИСИ

Муҳаббат темаси абадий. У ҳечқачон тугамайди. Ҳеч қачон эскирмайди. Модомики дунёда инсон яшар экан, у ҳам яшайди. Бинобарин, асрлардан буён муҳаббат ҳақида асарлар яратилади, бундай асарлардан ёшнинг ҳам қариянинг ҳам юраги «жиз» этади, киши қалбининг энг нозик торлари садо беради.

Ҳозир экранларимизда муҳаббат ҳақида яна бир фильм намойиш этилмоқда. Фильм «Серафим Фролов севгиси» деб аталади.

Дарвоқе, фильмда бош қаҳрамон Серафим Фролованинг Улуғ Ватан урушида кўрсатган жасорати ҳақида фақатгина бир ишора бор холос.

Фроловнинг жангда кўрсатган жасорати тўғрисида бошқа ҳеч нарса билмаймиз. Фақат бир-икки маротаба кўксидаги орден ва медалларига кўзимиз тушади. У оддийгина. Камтарин, кўнгли очиқ. Лекин ўзига хос табиати, характери бор: ўша нотаниш қиз суратига ошиқ бўлиб, уруш битгач тўғридан тўғри ана шу шаҳарчага уни қидириб келади.

Тинч ҳаёт бошланади. Бу тинч ҳаётнинг ҳам ўзига хос «жанг»лари, ташвиш ва курашлари бор. Биз фильм қаҳрамонлари билан ана шу ташвиш ва курашлар қуюнида танишамиз, уларнинг гўзал маънавий дунёси кўз ўнгимизда жилваланади. Фильм тугаллангандан сўнг ҳам биз уларни унутолмаймиз, гўё биз улар билан кўп замонлардан бери ошна, қадрдон бўлиб қолганмиз.

Мана, Серафим Фролов. (Артист Леонид Куравлев гоятда инсоний ёркин образ яратган) Серафимнинг олижаноб фазилатлари ҳатто шиддатли, қирғин жангларда ҳам сўнмаган, ҳаётга чексиз муҳаббатини, инсонларга нисбатан эҳтиромини, ҳароратли, пок севгисини урушлар оша сақлаб келаолган. Энди унга мебель фабрикасида омбор мудирлиги вазифасини топширадилар. Севгилиси Настя эса ҳаммомда ишлайди. Аммо Фролов учун ҳаёт гўзал. У ҳар бир нарсадан гўзаллик топишга интилади. Соф виждонли бўлганлиги учун кишиларга ҳамиша кўнглида борини айтиб қўяқолади.

Фролов образини мушоҳада этар экансиз, беихтиёр ана шу ҳақиқатнинг нақадар тўғри эканлигини яна бир бор эътироф этамиз. Инсон авлоди одамгарчилиги билан гўзал! Поездда Серафимнинг уйсиз, жойсиз, кимсасиз қолган аёл билан учратиш эпизодини, унинг сўзларини хотирангизга келтиринг. «Раҳмдиллик муҳаббатдан кучли. Ҳамма нарсадан кучли. Бу нарса фактдир, Умуман олганда раҳмсиз инсон инсон эмас». Фролов бева аёлни тўртта болалари билан ўз кулбасига олиб келади, уларни овқатлантиради. Бу иш унинг учун ҳатто ташаккур изҳор этишга арзигулик бўлмаган оддий, инсоний муносабат.

Настянинг севимли йигити эса жангда ҳалок бўлган. Лекин қиз унинг ҳаёли билан яшайди. Севгилисининг ҳалок бўлганлигини билади, лекин қандайдир умид учқунлари унинг қалбини иситиб туради, қандайдир бир мўъжиза бўлиб. У кириб келадигандек туюлади. Фролов эса ёш қиз кўзига ҳаддан ташқари олдий. Кўримсиз. Тўғрисини айтганда унинг идеалларига унча тўғри кемайди. Баъзан Настянинг кўнгли Серафимга бироз мойил бўлади, бироқ яна кўз ўнгида ўша йигит пайдо бўлади. Қизнинг гами чексиз. «Ҳали ҳам уни қўмсаб ўйлаяпсанми? — кўйинib сўрайди Серафим. — Ахир, у тирик эмас!» Настя эса алам билан жавоб беради. «Тирик, Серафим. Мени кечир».

Настя ролида ажойиб артистка Тамара Семина ўйнаган. У ўз қаҳрамонининг ички кечинмаларини зўр маҳорат билан ифодалай олган. Настя характерининг эволюцияси, унинг қалбида ҳам Серафимга нисбатан кам-кам муҳаббат туйғулари пайдо бўлиши ишонарли тасвирланган.

Фильм қаҳрамонлари ҳақида сўз юритар эканмиз, Анфиса образи ҳақида бирикки сўз айтмоғимиз лозим. Лариса Лужина яратган бу образ хотирамизда узоқ муддат қолади. У бир неча йил фронтда бўлиб, кўпдан кўп оғир дамларни кечириб, ниҳоят энг эзгу орзу билан ўз уйига қайтади. Аммо эрининг пасткашлиги; виждонсизлигига дуч келади. Эридан ажралади, лекин ҳечқандай тақдир зарбаси унинг иродасини буколмайди. Мунофиқликка, икки юзламаликка қарши исён кўтаради.

Фильм «Мосфильм» киностудияси томонидан Николай Евдокимовнинг «Керакли киши» повести асосида яратилган. Ҳақиқатдан ҳам, Фролов ҳар бир қаҳрамон қалбида из қолдиради, ҳаммага яхшилик қилади. У жамиятга кераклик, оддий бир киши.

М. УМАРОВ

МИНИАТЮРА

Елкамда замоннинг юки бор,
Шунинг —чун мардона қадамим.
Манзилим қиладн интизор,
Интизор ўтади ҳар дамим.
Юр дўстим, мен билан бирга юр.
Ҳоришин келтирма кўнгилга,
Мабодо йиқилсак бехузур,
Авлодлар етказар манзилга.

Абдуҳалил ҚОРАБОЕВ.
Андижон.



СУРАТДА: Тошкентдаги халқ филармонияси қошидаги миллий халқ чолғу ансамбли. Улар яқинда бўлиб ўтадиган кўрикка тайёргарлик кўрмоқда.

М. Нуриддинов фотосп.

Экран яниликлари

СЎНГГИ КЎЧУВ



Бу кенг экранли ва оддий вариантли фильмни Свердловск киностудияси ишчилари яратган.

Фильм воқеалари граждалар уруши пайтида Бурятияда содир бўлади.

Қизил отлиқлар отряди бандитлар билан жанг қилаётган ўртоқларига ёрдам бериш учун мўғул чегаралари томон ошиқадилар.

Аскарлар бир куни кечаси бир ерга келиб қўнган пайтда, отряд командири ўринбосари Абдайга улар ичига бир номаълум киши келиб қўшилгани ва у кипи Кяхтуга олиб борувчи энг яқин йўлни билишини айтади. Бу ерларни беш қўлдек билган Абдай бу хабарни эшитиб ташвишга тушади. Командирнинг гапларидан номаълум киши от ўгриси Тарбу эканини билиб олади. Тарбу ёлғон гапирганди.

Абдай отрядни оёққа турғизади, аммо вақт ўтган эди. Отлар ҳайдаб кетилганди. Қизил жангчилар уни қувиб етолмайдилар, чунки отлар жарликда ҳалок бўлган эди. Отсиз қолган отряд Кяхтуга тайинланган муддатда етиб бора олмасди.

Абдай от топишга ҳаракат қилади, қизил жангчи қиёфаларини бурят чопонига алмаштириб, ўзи туғилиб ўсган уйига йўл олади. Шу ерлик бой Гамгаа оқгвардиячилар учун от йиғаётганидан хабардор бўлади.

Абдай мардлик ва жасорат кўрсатади ва отларни олиб келади. Қизил жангчилар ўзларининг ҳалок бўлган ўртоқларини мангуликка узатиб, ўзлари Кяхтуга томон йўл оладилар.

Бу фильм 1967 йили ВГИКнинг режиссёрлик факультетини тугатган режиссёр Барас Халзановнинг биринчи ишидир. У бу фильмда қизил аскар Абдай ролини ўйнаб, ўзининг актёрлигини ҳам биринчи бор намойиш этади.

Сценарий муаллифлари Б. Халзанов, А. Столпер, постановкачи режиссёр: Барас Халзанов,

Ролларда: Барас Халзанов (Абдай), Асанбек Умуралиев (Гамзаа). Лариса Егорова (Мэдэгма), Д. Дондуков (Балбар). Г. Цденжапов (Жондри), Б. Вампилов (Гулваа) ва бошқалар қатнашадилар.

СУРАТДА: шу фильмдан кадр.

УЙГА ОРДЕР ОЛГАН КИШИ

СЦЕНАРИЙ муаллифлари: Ежи Яницкий, Леон Жанно, режиссёр Леон Жанно.

Фильм воқеалари шу кунларда Польшада бўлиб ўтади. Кооператив асосида қурилган уйдан ёш врач Томек Пехонкога икки хонали уй тегмай қолади. Чунки икки хонали уй бой деб киши учун жуда катталик киларди. Уй-жой бошқармасининг бошлиғи унга тезлан уйланишни маслаҳат беради. Бошлиқнинг сузига кирган Томек бир неча қизлар билан танишади. Аммо уларнинг биттасидан ҳам кўнгли тўлмайди. У ўзига қайлиқ тополмай қийналади. Ниҳоят Барбара Лассе немли қиз билан танишади. Барбара унинг таклифини узлиб қабўл қилади. Улар уйга ордер олгани келганларида англашилмовчилик бўлганини биладилар. Томек номига ёзилган уй у билан бир фамилияда бўлган инженерга берилган эди. Икки орада Томек билан Барбара жойсиз қолиб, янги уй қурилишини кутадилар.

Оператор Тадеуш Вежак; бастакор Войцех Килар. Ролларда: Богумил Кобеля, Барбара Модельска, Ига Манр. Ева Чукульска, Мая Водецка, Алиция Вишинска.

«Студио» ижодий коллективи ишлаган.

КИНО ◆ КИНО ◆ КИНО ◆ КИНО ◆ КИНО ◆ КИНО

◆ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ

Aeeэr

ҲИКОЯ

Мана шу бир оғиз кескин, ҳокимона ҳитоб Нора ҳонимнинг кўчама-кўча дайдиш билан ўтган зулматдек қоронғу, зерикарли болалигининг илк таассуроти эди. Унинг мурғак тили энг аввал шу калимани такрорлаган. Ҳатто тушларида ҳам шу ҳайқириқ кулоқлари остида жаранглагандек бўлар, циркнинг муздай совуқ томоша майдони кўз ўнгига келар, димоғида отхона иси гуркираб кетар, оғир-оғир тўёқ товушлари, узун қамчиннинг қарсиллаши эшитилар. қўрқув ичида бир лаҳза иккиланиб қолганида тўсатдан елкасига тушган қамчининг аччиқ зарбини аниқ ҳис этар эди.

Кимсасиз цирк ним қоронғу, совуқ эди. Қиш қўшининг ожизгина нурлари ойнаванд қуббанинг у ер-бу еридан аранг ўтиб, ўриндиқларнинг қизғиш духоваларига, тилла суви югуртирилган ложаларга, от бошининг тасвири туширилган тўсиқларга, байроқлар билан безатилган устунларга хира доғ сингари тушиб турарди. Ожиз нурлар электр чироқларининг ҳира ойналарида руҳсиз жилолана ди, пўлат дор ва нарвонларнинг вахимали юксакликка бўй чўзган чўққисида — чилвирлар билан махсус илгаклар чувалашиб ётган жойида ялтирайди. Ўриндиқларнинг биринчи қатори базўр кўзга ташланади. Ложалар ортидаги креслолар, орқа қаторлар эса бутунлай зулмат қўйнида қолган.

Циркчиларнинг кундузги машқи давом этади. Эгнига поча-пўстин, бошига телпак кийиб олган беш-олти артист отхонага ўтиладиган йўлак олдида, биринчи қатор ўриндиқларида ўтириб олиб, сассиқ сигара тутатишади. Томоша майдонининг ўртасида цилиндрни орқага суриб қўйган, қоп-қора мўйловини хафсала билан ингичка қилиб бураб олган, оёклари калта-калта забардаст бир киши турибди. У узун арқонининг учини қаршисида қаяжон ва қўрқувдан титраб турган жажжигина беш яшар қизалоқнинг белидан ўтказиб маҳкам боғлайди. Қизча қаяжонданми совуқ қотгани учунми, дағ-дағ титрайди. Отбоқар гов ёкалаб етаклаб келаётган каттакон оқ жийрон бўйнини гажак қилганича, ҳадеб бошини силкитади. ўхтин-ўхтин пишқириб қўйганида бурин катакларидан оппоқ буғ гуркираб чиқади. От ҳар сафар силиндирли кишининг ёнидан ўтаётганда унинг қўлтиғидан чиқиб турган қамчи дастасига кўз қирини ташлаб қўяди, ҳуркиб пишқиради, донра бўйлаб чопганича, отбоқарни суриб кетгудай бўлади. Норасида Нора ўгирилиб қарамасе ҳам отнинг ҳуркиб типирчилаётганини эшитадию титроғи бадтар кучаяди.

Бир жуфт бақувват қўл унинг белидан даст кўтариб, от устига — каттакон чарм ёпинғичга улоқтиради. Шу ондаёқ ўриндиқлар ҳам, оппоқ устунлар ҳам, кириш йўлкаларидаги қалин дарпардалар ҳам аралаш-қуралаш бўлиб, бир доирада тўхтовсиз чирпираб айланганча отнинг ис тиқболига югуриб кела бошлайди. Ожизгина қўллар титраб-титраб отнинг тикандек қаттиқ елига бехуда ёпишиб олади-ю, зум ўтмай акашакдай қотиб қолади. Даҳшатли чирпирадан қамашиб кетган кўзлар чирт юмилади. Цирбешафқат қўлларга шўнғимоқчи бўлади (юзлаб томошабинлар ҳозир даҳшат ичида оҳ чекиб юборишлари аниқ!) Аммо шўнғимоқчи бўладию, қўрқувдан юраги музлаб қолади, ингичка арқонга жонқолатда ёпишиб олади. Акробатчи бешафқат қўлларини пастга ташлаганча, ўша қўрқинч туйғуси бир нафас ҳам ўз чангалидан чиқариб юбормайди. Қулоқлари остида одамларга ҳам, отларга ҳам, ўргатилган итларга ҳам бирдек хокимона оҳангни билдирувчи бир оғиз машъум сўз жаранглайди:

— Алле!

Бир сафар Нора томоша кўрсатаётганда дордан сирпаниб кетди-ю, тўр ёнидан учиб ўтиб, қумлоқ майдонга бориб тушди. Ушанда у эндигина ўн олтига тўлган гўзал қиз эди. Уни беҳуш аҳволда дарҳол ичкарига кўтариб киришди-да, циркчилар қадимий одати бўйича, ҳушига келтириш учун елкасидан ушлаб олиб, кучлари борича силкитиша бошладн. У ўзига келди-ю, қўли чиқаниниг аламига чидай олмай инграб юборди. «Томошабинлар тарқаб кетишяпти.— дейишдари атрофдаги л а р, — дарров чиқиб ўзингизни кўрсатинг». У бир амаллаб лабларига «чавандоз табассумини» қўндирди. Лекин икки қадам босиши биланоқ оғриққа чидолмай чинқириб юборди. Шунда ўнларча қўл бирдан ёпишди-да, куч билан судраб, томошахонага киравераётган дар-парда ёнига — одамларнинг кўз ўнгига олиб борди уни.

— Алле!

Уша маъсум циркда масхарабоз Менотти гастрол олиб борарди. Лекин у ҳаммадан тарсаки еб қумга ағдарилишга кўникиб қолган, бир кеча-кундуз овқат емаса ҳам ўзининг қувноқ ҳазиллари билан бутун бир оқшом томошабинларни қаҳ-қаҳ уриб кулишга мажбур қила оладиган шунчаки оддий бечора масҳарабозлардан эмасди. У жаҳонга танилган қатор-қатор фахрли мукофотлар олган уста циркчи, машқур масҳарабоз ва ҳайвон ўргатувчи эди. Унинг кўксида қатор-қатор олтин медаллар порлар, ҳар томошасига икки юз сўмдан олар, беш йилдан бери муттасил мана шу қимматбаҳо костюми эгнидан тушмаганлиги билан фахрланарди. Ҳар сафар томошадан кейин у «қаттиқ чарчаганини» айтар, қувноқ бир хорғинлик билан ўзинча таъкидлаб қўярди: «Ҳа, бизлар масҳарабозларимиз. Биз ўзига тўқ томошабинларни кулдиришимиз керак!» Томоша пайтлари у қадимий қўшиқларни бўғиқ овозда, аммо гавдасини ғоз тутиб айтар, ўзи тўқиган шеърларни ўқиб берар, буларнинг ҳаммаси баландпарвоз афишаларга учган томошабинлар учун бўлгудай зерикарли. ўринсиз қийшанглашдан бошқа таассурот қолдирмасди. Ҳаётда эса у тўла-тўкис қоқимона иш тутар, ўзининг бениҳоя гўзал бой-бадавлат граф хонимлар билан пинхона алоқаси борлигига, аммо улар аллақачон жонига тегиб кетганига сирли ишоралар қилишни яхши кўрарди.

Нора қўли гузалгандан кейин биринчи марта цирка, эрталаки машққа келган куни Менотти у билан кўришаркан, қизнинг қўлини ўз кафтида узоқ ушлаб турди. Намланиб турган кўзларига ҳорғин, мулойим бир ифода бериб, алланечук секин овозда унинг саломатлигини суриштирди. Қиз уятдан қип-қизариб кетди-ю, қўлини тортиб олди. Шу дақиқанинг ўзи Норанинг тақдирини ҳал қилиб қўйди.

Бир ҳафтадан кейин кечки томошани кўрсатиб бўлишгач, Менотти Норани уйига кузата туриб, йўл-йўлакай мусофирхона ресторанида бирга овқатланишга таклиф қилди. Жаҳонга донғи кетган циркчи ҳар сафар шу ажойиб мусофирхонага қўнишни одат қилиб олган эди.

Алоҳида хоналар юқори қаватда экан. Нора зиналардан кўтарилди-да хорғинлик, ҳаяжон оғушида тўхтаб қолди. Оқилона бир фикр ичкари кирмасликка ундар ў иккиланарди. Лекин Менотти унинг тирсагидан маҳкам қисиб олди. Ҳайвоний қирс билан тўлиб тошган оҳангда собиқ акробатчининг — ўзининг бешафқат буйруғини пичирлаб такрорлади:

— Алле!

Шундай қилиб Нора ичкари кирди... Менотти қиёфасида у ўзгалардан алланечук юксак, худодек ғайритабиий бир нарсани кўрар эди... Агар шу одам ўтга деса — ўтга, чўғга деса — чўғга ташлашдан ҳам қайтмасди.

Нора бир йилгача унинг кетидан эргашиб, шаҳарма-шаҳар кезиб юрди. Менотти томоша кўрсатишга чиқаётганида Нора унинг бриллиант тақинчоқлари, медалларини тақиб қўяр, чолворини кийгизиб очкизар, сафарда ҳамма анжомлари тахт бўлишини кузатиб борар, ҳар хил каламушлар, чўчқаларни ўргатишда унга ёрдамлашар, унинг юзига турли-туман мойупалар суриб қўяр, энг муҳими Менеттининг чиндан ҳам жаҳоншумул буюк одам эканлигига тантакларча бир ишонч билан қаттиқ ишонар эди. Елғиз қолган чоғларида Менотти у билан гаплашишга мавзу ҳам топа олмасди. Шунда Нора уни эҳтирос билан эркалата бошлар, Менотти эса бундай қилиқлар елпақачон жонига теккан бўлса ҳам, олижаноблик юзасидан ўзини эркалатишларига қўнқолган одам қиёфасига кириб олиб, индамай тураверарди.

Бир йилдан кейин Нора бутунлай унинг жонига тегди. Энди Менотти циркда «парвоз этувчи» опа-сингил Вильсонлардан бирига мулойим назар билан тикила бошлади. Энди у Норани бир пақирга ҳам олмас, кўпинча бирон-бир тугмаси ўз вақтида қадалмаганини баҳона қилиб, қийинмоҳонада — артистларнинг кўз олдида тарсакилаб қўйиб-қўйиб юборарди уни. Ақлли, вафодор қари ит эгасининг зулмига қандай чидаса, Нора ҳам бу аламларга шундай чидаб келарди.

Ниҳоят бир сафар томоша пайтида жаҳонга донғи кетган циркчи бир итни қамчи билан қаттиқроқ уриб юборгани учун одамлар ўзининг устидан кулиб хуштак чалишганини эшитдию, кечаси аламини Норадан олди: унинг қовшини тўғрилаб қўйди. Нора бу сафар ҳам йўқ демади. Аммо мусофирхона номерининг остонасига етганида илтижо билан ўгирилиб қаради. Шунда Менотти сакраб туриб, югуриб келди. Газаб билан эшикни тепиб очди-да, овози борича ҳайқириб юборди:

— Алле!

Лекин икки кундан кейин Нора уриб ҳайдалган итдай ялинчоқлик билан ғалаён эгасининг уйига қайтиб келди. Мусофирхона малайи уни кўриб, сурбетларча илжайди: «Кирмай кўя қолсанг-эмикин... У киши бир хоним билан ўтиришибдилар». Норанинг кўз ўнги қоронғилашиб кетди.

У юқори қаватга чиқиб, бундан роса бир йил муқаддам ўзи Менотти билан қовушган хонани адашмай топиб олди-да остонада тўхтаб қолди. Ҳа, Менотти шу ерда эди. Нора унинг шон-шуҳрат дабдабасидан бўғилиб қолган қуюқ, ширали овозини дарров танади. Нора малла инглиз хонимнинг ора-чора унинг гапини бўлиб, яшнаб-яшнаб қаҳқаҳа уратганини ҳам эшитди. У эзилиб билан эшикни очиб юборди.

Деворларга ёпиштирилган тилларанг ҳарир қизғиш гулдор қоғозлар, тепада ялтираб турган бир жуфт қандил ҳам, қадаҳлар ҳам, стол устига уюб ташланган олма-узумлар, вазага солиб қўйилган ичкилик шишалари ҳам, ич-киймда диванга ёнбошлаб ётган Менотти, белтасмасини бўшатиб ўтирган Вильсон ҳам, хонани тўлдирган атир, шароб, сигара, упа ислари ҳам — ҳаммаҳаммаси бир нафас эсанкиратиб қўйди уни. Кейин у Вильсонга ташланди, башарасига устма-уст мушт солди. Вильсон чинқириб юборди. Икковлари жиққа мушт бўлиб кетишди.

Менотти иккала хотинни бир амаллаб йўлакка судраб чиқарди. Шунда Нора унинг оёқлари остига бўй баравар ўзини ташлади-да этикларини ўпа-ўпа, ўзини кайтариб олишини илтижо қила бошлади. Менотти уни куч билан ўзидан айирди. Забардаст бармоқлари билан бўйнидан маҳкам бўғиб олди:

— Ҳозироқ қоронғини ўчирмас экансан, малайларга буюраман: кўчага улоқтириб ташлашади, ярамас!

Нора қаддини ростлади-да, энтикиб-энтикиб пичирлади:

— Хак-ха! Шунақами ҳали? Мана бўлмаса!

Унинг кўзи очиқ деразага тушди. Одатдаги гимнастика машқини бажараётгандай чақкон, енгил ҳаракатлар билан югуриб бориб-да, дераза рахига сакраб чиқди. Ташқи томондаги ромларни ушлаганча олдинга — пастга энгашди.

Тубсиз бир чуқурликда катта кўчадан ўтиб бораётган экипажлар аллақандай майда, ғайритабиий жониворларга ўхшаб кўринар, йўлкалар ҳозиргина ёғиб ўтган ёмғирдан ялтираб қолган, у ер-бу ерда тўпланиб ётган халқобларда кўча чироқларининг акси жилоланарди.

Норанинг бармоқлари музлаб кетди. Бир дақиқалик дақиқадан юраги тўхтаб қолгандай бўлди... Шунда у кўзларини чирт юмди-да чуқур нафас олиб, икки қўлини бош устида баланд кўтарди. Одатдагидек, ўз ожизлигини бир амаллаб енгдию, пастга шўнғиркан, циркдаги каби қаттиқ ҳайқириб юборди:

— Алле!

Ў. ҲОШИМОВ таржимаси.



— Ахир бу гапларни мен ўзим тўқиганим йўқ, китобдан олиб ёздим-ку,— деди у охири йиғлемсираб.

— Ҳа, барли, китобдан кўчиргансан, биламан,— деди ўқитувчи.— Аммо шунда ҳам янглишибсан. «Бола тарбияси» ўрнига «Кийим-бошга қараш» деган бобни кўчирибсан.

— Зайнаб менга шундоқ деган эди.

Ўқитувчи ялт этиб менга қаради.

— Ия, Зайнаб, ўртоғингга кўчирмачиликни ўргатганинг етмаса, яна алдайсанми ҳам?

Энди оркага чекиниб бўлмайди. Шунинг учун мен ҳечам алдагиним йўқ, ўқитувчим,— дедим.— Саволларга китобнинг қайси бетидан жавоб топиш мумкинлигини айтиб бердим, холос.

Ўқитувчимиз Муроднинг китобини очиб кўрган эди масала равшан бўлди.

—Барибир буни ойимгга айтиб бермасам бўлмайди,— деб ўқитувчи менга пўписа қилди.

Ойимни мактабга чақириб нима ёмонлик қилганимни айтишди. Кечқурун уйда тоза дашном эшитдим. Дадам:

—Жуда номаъқул иш қилибсан, қизим, чакки бўпти,— деб қойиб бердилар.

Яхшиямки ўша куни бувам бизникида эди. Бувам жонимга оро кирди:

— Бўлди энди, боламни кўпам койиявермангиз, — деди бувам ёнимни олиб.— Ўртоғига айтиб берган бўлса нима қипти, осмон узилиб ерга тушибдими? Узи китобдан кўчириб олмаяпти-ку, ахир.

—Бировга айтиб берди нима-ю, кўчириб олди нима, икковиям бир гўр,— деди ойим ҳовуридан тушмай.

— Бас энди, бўлди... Мактабда бу ишни ким қилмаган дейсан.

Метин луқма ташлади:

— Лекин ҳаммаям қўлга тушавермайди-да.

Иложим қанча, бўлар иш бўлди энди. Шундоқ бўлсаям ўринсиз таъналар эшитиб, дилим ҳуфтон бўлди. Айниқса Метиннинг гап-сўзи ошиб тушди. Икки гапнинг бирида нуқул: «Чакки бўпти-да. Буни эллаган одам қилади. Қўлга тушиб, шарманда бўлишнинг нима кераги бор!» деб пичинг қилади.

Хатингни кутаман. Иложи борича тўлароқ ёз. Майлими?

Хўп, яхши қол. Сенга муваффақият тилаб:

Зайнаб Елқир

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

Истамбул,
24 апрель, 1964.

Зайнаб дўстим.

16 мартда ёзган хатингдан кейин сендан яна бир открытка олдим. Открыткада мендан ранжиганга ўхшайсан, олдинги хатингга кечикиб жавоб ёзганим учун сен ҳам шундай қиляпсанми, дебсан. Мутлақо ундай эмас. Биз ҳам 23 апрель кечасига тайёрланиб юрган эдик. Шунинг ташвиши билан вақт жуда тез ўтиб кетди. Мана, кеча бир амаллаб қутилиб олдик. Гўё елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Дарҳол хатга ўтирдим.

Концертимиз зап антиқа ўтди. Биласанми, нимага? Жуда қизиқ ҳангомалар бўлди. Энг кўп маломатга қолган ҳам мен бўлдим. Концерт учун асосан учинчи синф ўқитувчиси жавобгар эди. Музика ўқитувчиси ашула билан ўйин қисмини ўз зиммасига олди. Узимизнинг ўқитувчимиз эса концерт кечасида кўрсатиш учун битта пьеса ёзиб берди.

Мен бир нарсага ҳайронман —катталар нуқул ўз касбларидан нолишади. кўнгиллари бошқа соҳани қўмсаб юради. Мана, дадамни олиб кўрайлик. Яна озроқ ўқиганимда катта шоир бўлиб кетардим, дейди бизга. Дадам ҳозир ҳам тинч юрмайди. Ҳиёл бўш қолди дегунча шеърга ўннаб кетади. Амаким ҳам шундай. Қўлида техниклик ҳунари бор-у яна врачликни орзу қилади. Ўқитувчимизнинг бўлса ёзувчиликка кўнгли сусг кетган. Кўпинча бизга у: «Аллақачон ёзувчи бўлиб кетардим-у, лекин насиб қилмаган экан-да дейди. Бундоқ ўйлаб қарасам ҳамма бировнинг ҳунарини орзу қиларкан.

Аслида директор босилиб чиққан бирор пьесани саҳнага қўявермоқчи эди. Аммо ўқитувчимизга буларнинг ҳеч қайсиси маъқул бўлмади. Узи енг шимариб ишга тушиб кетди. Янги пьеса ҳам тайёр бўлди. Жуда аянчли чиқибди. Яхшиси, сенга бунинг қисқача мазмунини айтиб бера қолай. Хулқи ёмон бир бола бўлади. Ота-онасини жуда безор қилиб юборади. Бола мактабдан қочади, ишдан қувилади ва ёмон йўлга кириб кетади. Бу шармандаликка чидаёлмаган она оламдан ўтади. Ўгил отасини зўрлаб, пул олиб юради. Бермайдиган бўлса, дўппислайди. Кунлардан бирида у жиноят устида қўлга тушиб, қамалиб кетади. Камокдан анча тузалиб чиқади. Бутун қилмишлари учун кечирим сўраган тўғри отасининг олдига боради. «Ота-жон, мени кечиринг, гапларингизга кирмадим, насиҳатларингизга қулоқ солмадим. мана, оқибатда шарманда бўлдим. Энди ҳаммасига тушундим. Ўтинаман, мени кечиринг!» деб ёлборади. Қадди букчайиб қолган ота: «Ота деган ҳамиша ўғилнинг гуноҳидан ўтади. Мен ҳам сени кечирдим, ўғлим. Парвардигорга илтижо қил, ўз даргоҳида кечирсин» деб хўнг-раб йиғлаб юборади. Аммо юраги буни кўтаролмай, ерга йиқилади-да, жони узилади.

Пьеса чиндан ҳам жуда қайғули эди. Уни ўқиётганимизда синфда ҳамма бир-бир йиғлаб олди.

— Бошқа бирор енгилроқ пьеса қўйганимиз маъқул эмасми, ўқитувчим?— деб сўрадим.

Ўқитувчимиз мени қаттиқ жеркиб берди:

— Бу нима қилиқ, Аҳмад! Яна маҳмаданалик қиляпсанми?

Ҳолбуки буни мен бутунлай бошқа мақсадда сўрагандим. Бетимизга соқол-мўйлов ёпиштириб, катта одамларга тақлид қилиб юргандан кўра мактаб ҳаётидан бирор нимани саҳналаштириб, ўзимизга мосроқ ролларда чиққанимиз яхши эмасми, деб айтмоқчи эдим. Аммо мақсадимни тушунтиролмабман.

Саҳнага соқол-мўйлов ёпиштириб чиққан болалар худди циркдаги лилипутларга ўхшаб қолади. Буни илгари ҳам кўп кўрганман. Катта одамнинг ролида чиққан бола қанчалик яхши ўйнамасин, барибир залга кулги бўлади. У қанчалик жиддий гапирса, томошабинлар шунчалик кўп кулади. Бас, шундай экан, бира тўла кулгили асарни кўрсатиб қўя қолсак бўлмайдими? Мен шуни айтмоқчийдим. Ўқитувчимиз қойиб бергач, индамай кўя қолдим.


Пьеса беш кишига мўлжаллаб ёзилган экан.

— Ноқобил ўғил ролини сен ўйнайсан, Аҳмад. Узинг сенбопроқ, қотирасан,— деди ўқитувчи.

Дамирга ота, Минега эса она роли топширилди.

Ҳамма ўз ролини яхшилаб ёдлаб олди. Уч-тўрт марта репетиция ҳам қилиб кўрдик.

(Давоми бор)



СУРАТДА: Революция хиёбонининг кўриниши.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Транспорт ташвишлари

Йўловчилар ранжимасин

РАВОН изден тез кетаётган трамвай арзимаган эътиборсизлик натижасида ҳалокатга учради. Ҳаракат графиги бузилиб, вагонлар қаторлашди, йўловчилар туриб қолишди...

Ҳайдовчи Кузьминдан воқеа сабабини сўрасангиз, елкасини қисади. Апрелда «Ҳалқлар дўстлиги» кўчасида содир бўлган кўнгилсиз воқеа йўловчиларни таш. вишга солди. Лекин Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасидаги ўртоқлар бунга эътибор беришмади!

Кейинги пайтларда электр транспорти маршрутларида баъзан бўлаётган ҳалокатларга нималарнн сабаб қилиб кўрсатиш мумкин?

Шу ойнинг бошларида 9 ҳайдовчи маст ҳолда хизмат қилаётганлиги аниқланди. Ҳайдовчилардан Типляков, Буданов, Васильев, Свиридзе, Чилюкин ва бошқалар маст ҳолда ишга келишган.

Бундай кўнгилсиз аҳвол электр транспорт ҳайдовчиларн ўртасида анча вақтлардан бери давом этиб келмоқда.

Яқинда шаҳар ички ишлар бошқармаси трамвай-тролле й б у с бошқармасига мактуб юборнб, ҳайдовчилар ҳаракат қоидаларини кўпол равишда бузаётганликларн, натижада бир неча марта кўнгилсиз воқеалар содир бўлганлиги, тез орада бу аҳволнинг олдини олиш юзасидан кескин тадбирлар белгилаш лозимлиги кўрсатилган эди.

Бироқ шунга ҳам қарамасдан трамвай-троллейбус бошқармасининг маъмурияти меҳнат интизомини янада мустаҳкамлашга ҳамон эътиборсизлик билан қарамоқда. Шу йилнинг кейинги тўрт ойи мобайнида 25 марта ҳалокатли йўл ҳодисаси содир бўлди.

Гапнинг очиғини айтганда, электр транспорти ходимлари орасида тарбиявий ишлар жуда ҳам қониқарсиз олиб борилмоқда. Бошқарма ходимларидан 30 кишининг маст ҳолда ҳушёрхонага келтирилганлигини нима билан изоҳлаш мумкин. Маршрут бошлиғи Илёсов, инженер Фейдман, трамвай ҳайдовчилар Қоратоев, Обидов, троллейбус ҳайдовчилар Ахападзе, Аҳмаджоновлар смена пайтида кўпинча шира кайф бўладилар.

Электр транспортлар техникавий жиҳатдан талабга тўла жавоб бермайди. Кўпгина вагонлар ташқи ва ички санитария хавфсизлик қоидаларига жавоб бермайди.

Электр транспорти ҳайдовчи кадрларни тайёрлаш қониқарсиз аҳволда. Ўқишлар тарқоқ ҳолда ҳар бир паркда ўз ҳолича олиб борилади.

Тажрибаси ва билими паст савияда бўлган кишилар инструкторлик лавозимига тайинланган.

2-трамвай депосининг бўлажак 12 ҳайдовчисидан ГАИ ходимлари имтиҳон олишганда уч кишн бир амаллаб жавоб берди, холос. Қолганларн эса ҳаракат қоидаларидан мутлақо хабарсизликларн сабабли имтиҳондан ўтолмадилар.

Электр транспортида дастлаб кадрлар тарбиясига эътибор бериш керак. Шундагина кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмайди, аҳолининг узоги яқин бўлади.

М. АБДУЛЛАЕВ,
шаҳар ГАИ инспектори.

ҲОДИСА

ОНА МИННАТДОР

Ўлмас опа Ғуломова Тошкент Қишлоқ хўжалик институти яқинидаги «Союзпечать» дўконида ишлайди.

Яқинда Ўлмас опанинг тўрт ёшли Клара деган қизчаси «Союзпечать» дўкони олдида ҳовузга тушиб кетди. Қизчанинг чиқирган товушини эшитган мевачилик ва сабзавотчилик факультетининг IV курс студенти Исломжон Эшмуродов кела солиб ўзини ҳовузга отди. Қизча ҳалокатдан сақлаб қолинди. Ўлмас опа Исломжон Эшмуродовга миннатдорчилик билдирди.

Н. НОРҚОБИЛОВ,
студент.



СУРАТДА: «Ташавтомаш» заводининг клуби. Бу ерда мунтазам равишда кинофильмлар намойиш қилинади. Бадиий ҳаваскорлик, кино ва фото тўгараклари ишлаб турибди.

М. Нуриддинов фотоси.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети марксизм-ленинизм

УНИВЕРСИТЕТИГА НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ ҲАҚИДА

Тошкент шаҳар партия комитети марксизм-ленинизм университети партия ўқувчиларнинг барча соҳалари учун пропагандист кадрлар тайёрлайди. Раҳбар партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ходимларига марксча-ленинча назарияни ўрганишда ёрдам беради. Университетда тўрт факультет — партия-хўжалик активлари, пропаганда, умумий ва марксист ёшлар факультетлари бор.

Умумий факультетда қуйидаги фанлар ўрганилади: марксча-ленинча фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, КПСС тарихи. Поток ва тингловчиларнинг мутахассислигига қараб, қуйидаги фанлардан биттаси ўрганиб чиқилади: партия пропагандаси методикаси, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш, партия қурилиши. Бу факультетда уч йил ўқилади. Ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

Партия-хўжалик активи ва пропагандистлар факультетларида учтадан бўлим бор. Булар экономика, философия ва тарих бўлимлари. Пропаганда факультетининг фалсафа бўлимида дарс икки йил муддатда кандидатлик минимуми программаси бўйича ўтилади. Олий маълумотлилар қабул қилинади.

Ёш марксистлар факультетида дарслар раҳбар комсомол ходимлари учун мўлжалланган махсус программада олиб борилади.

Агар талабалар «кўп бўлса университет мавжуд факультетларда қуйидаги бўлимларни қўшимча равишда ташкил этиши мумкин: этика эстетика социологик тадқиқотлар, халқаро алоқалар ва атеизм.

Университетни битирадиганлар Ленин асарларни, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш, партия пропагандаси методикаси, партия қурилиши бўйича диплом ёқлайдилар ва олий сиёсий маълумот эгаси эканлиги ҳақида диплом оладилар.

Университетга киришни ҳоҳлаганлар бошланғич партия ташкилотлари ва район комитетлари орқали кужжатларни расмийлаштиради.

Университет адреси: Карл Маркс кўчаси 30-уй, телефонлар: 3-3-21-61, 3-3-84-46.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

РАДИО

14 ИЮЛЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Техника тараққиёти одимлари» циклидан (русча). **18.10** Н. Хлопков. Солдатнинг ўйлари вокал туркуми. **19.20** Тамарахоним ижросида қўшиқлар. **20.00** «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. **20.40** Ишлар учун концерт (русча). **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (Ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.30** М. Бобоев. «Она қалби» поэмаси асосида радиопостановка (Ўзбекча).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Соловьёв-Седой. «У сизни севади» кинофильмидан сюита. **19.30** «Бахт Ватани». Музикали-адабий ком позиция (русча). **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **20.40** Ишлар учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (Ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** Лирик қўшиқлар. **22.40** С. Зуннунова. «Қўллар» ҳикояси асосида радиоинсценировка (Ўзбекча). **23.15** Дам олиш концерти.

15 ИЮЛЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.40** М. Аҳмедов куйлайди. **8.25** Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси эстрада оркестрининг концерти. **9.30** Увертюралар. **10.30** О. Тактакишвили, Беш вокал поэма. **11.15** «Институт ва лабораторияларда» туркумидан (Ўзбекча). **11.30** Экран куйлари. **13.30** М. Пархоменко ва Э. Хиль ижросида қўшиқлар. **15.15** «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (русча). **15.30** Э. Хемингуэй ҳикоялари (Ўзбекча). **16.10** «Уни Аяжон дейдилар» деган музикали радиоочерк. **16.50** «Правда» газетасининг обзори. **18.00** «Дўстларимизнинг маслаҳатлари» деган эшиттириш (русча). **18.10** Ўзбек давлат филармонияси хор капелласининг концерти. **18.40** Спорт эшиттириши (Ўзбекча). **19.20** Муқимий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **20.40** Ишлар учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (Ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.40** Лирик қўшиқлар. **22.40** С. Зуннунова. «Қўллар» ҳикояси асосида радиоинсценировка (Ўзбекча). **23.15** Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Э. Колмановский ва Пахмутова қўшиқлари. **9.15** Реклама ва эълонлар. **19.00** Адабий концерт. СССР халқ артистлари С. Эшонтўраева ва О. Хўжаев иштирок этишади (Ўзбекча). **19.30** Совет Армияси жангчилари учун концерт (русча). **20.00** Далада ишлаётганлар учун концерт (тожикча). **20.30** Қорақалпоқ куйлари. **20.50** «Иссиққўлда». Киргизистон радиосининг эшиттириши (Ўзбекча). **21.00** Муса Жалил. «Маобит дафтари» (Ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Расул Рза. «В. И. Ленин» поэмаси асосида радиокомпозиция (Ўзбекча). **14.30** 1. «Шчедкунчик» музикали радиокомпозицияси. 2. «Барбадос оролида» (русча).

18.00 Ч. Айтматов. «Жамила» радиопостановкаси (русча).

14 ИЮЛЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Болалар учун Ўзбек тилида. «Мўъжизалар оламига саёҳат».

Рус тилида: 19.15 Телевизион янгиликлар. **19.30** Совет Армияси жангчилари учун эшиттириш **19.50** Халқ санъати устаси Я. Рауфов билан учрашув. **20.20** Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 20.30 Телевизион янгиликлар. **20.45** «Оламда нима гап?» Халқаро программа. **21.15** «Жонли эртак». Совет Ўзбекистони фотойилномаси. **21.35** «Ноз-неъмат бунёдкори» программаси. **22.00** Телевизион театр В. Кочетов. «АКА-УКА ЕРШОВЛАР». Телеспектаклнинг иккинчи қисмининг премьераси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАР ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 18.00 Ўқишга марҳамат! **18.30** Абитуриентлар учун кимёдан машғулот.

19.00 Абитуриентлар учун математикадан машғулот

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** «Океан соҳилидаги шаҳарча». Телеочерк. **20.45** Заигори экран ҳафталиги. **21.00** «Пионерия» телевизион агентлиги. **21.30** Беш йиллик йўлларидан. **22.30** СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. «Ҳаёт-мамот учун». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 8-серияси. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Экран — болаларга. **18.30** Ниҳоят, «Галаба!»

19.00 Янгиликлар. **19.15** «Еш кемасозлар». Репортаж. **19.45** «Имтиҳонлар бўлмаганда эди...» Бадиий фильм.

Тожик тилида. 21.30 Ёзувчилар ижодхонаси. **22.10** Янгиликлар. **22.25** Оҳангдор мисралар.

15 ИЮЛЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 Янгиликлар. **13.15** Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Буратино виставкаси». **13.45** «Океан соҳилидаги шаҳарча». Телеочерк. **14.15** Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлик санъати лауреатларининг концерти. **15.15** Ўқувчилар учун спорт эшиттириши. **15.35** Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 18.50 «Қитъалар улуг Ленинни қутлайди». Адабий композиция. **19.20** Киноленинома «Ўртоқ Абсолют». **19.45** Телевизион янгиликлар. **20.00** «Сирли монах». Бадиий фильм (рус тилида). **21.45** Вокал квартети куйлайди.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.30 Футбол бўйича СССР кубоги учун чорак финал ўйинлари. «ТОРПЕДО» (Москва)— «СУДОСТРОИТЕЛЬ» (Николаев). **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАР ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида 18.00 Ўқишга марҳамат! **18.30** Абитуриентлар учун физикадан машғулот.

Рус тилида: 19.00 Абитуриентлар учун математикадан машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Фотоҳаваскорлар учун. «Объектив» программаси **21.30** Беш йиллик йўлларидан. **22.00** «Вақт» информацион программаси. **22.30** Футбол бўйича СССР кубоги учун чорак финал ўйинлари «ТОРПЕДО» (Москва) —«СУДОСТРОИТЕЛЬ» (Николаев). **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

ДАЛА ГЕОЛОГОРАЗВЕДКА ПАРТИЯЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН
«ТАШКЕНТГЕОЛОГИЯ»
ТРЕСТИГА

«Қидириш техникаси мутахассислиги бўйича **инженер ва техниклар, тог инженерлари ва техниклари, колонкали пармалаш бўйича катта ва смена мастерлари, портлатувчилар**

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишчилар учун ишбай-мукофот асосида, инженер-техник ходимлар учун вақтбай-мукофот тариқасида тўланади.

Дала ва баланд тог шароитидаги иш учун қўшимча ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 11 «а» уй, кадрлар бўлими.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14|VII да Маҳтумқули, 16|VII да Фарғона тонг отгунча.

Кино

14 ИЮЛДА
ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фреди! — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 7.20 минут ва 9 яримда).

Оқ рояль — «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли (кечқурун).

Оила жанжали — «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кечқурун).

Минг имкониятдан бири — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун)

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Бўри наъраси — ТЕЛЬМАН номли.

15 ИЮЛДА
ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фреди! —«ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7.20 минут ва 9 яримда);

Оқ рояль — «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Оила жанжали — «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Минг имкониятдан бири — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Бўри наъраси — ТЕЛЬМАН номли.

Тошкент область Оржоникидзе районидаги Куйбишев номли 44-ўрта мактаб томонидан **Абишев Ержан Тешебаевич** номига берилган 592744-сонли йўқолган **ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ** бекор қилинади.



Тошкент оқшоми
БЕТ. 14 ИЮЛЬ, 1969 й.
«ВЕЧЕРНИЯ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета
БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари, Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими—33-81-42.
Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри
НАШР 2798
Р. 14434.
Индекс 64579.